

Акциядорлик жамияти
Қўшма корхона “Euroasia Insurance” суғурта компанияси акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши баённомаси

Тошкент ш.

17 август 2022 йил

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи:

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 3-А уй, Жамият маъмурий биноси

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт:

10:00

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт:

10:50

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт:

11:00

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони

46 620 275 дона

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана

2022 йил 11 август

Б.Шадиёв - Йиғилиш раиси.

Х.Умаров – Бош директор в.в.б.

Йиғилиш котиби У.Маматқулов.

Санок комиссияси аъзоси Н.Абдуллаева.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамиятнинг органлари ва фаолиятини тартибга солувчи Низомларини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг ташкилий тузилмасини қайта тасдиқлаш.
3. Эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
4. Уставга ўзгартириш киритиш.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Йиғилиш раиси Б.Шадиёв сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини таъкилади.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашининг 2022 йил 2 мартдаги мажлиси қарорига кўра, Н.Абдуллаева, Н.Холикулова, С.Умаралиевлардан иборат санок комиссияси тузилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси аъзоларининг сони ва таркибини тасдиқлаш бўйича бюллетень орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 46 620 275 та овоз (100 фоиз);

“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Санок комиссияси аъзоларининг сони ва таркибини тасдиқлаш бўйича акциядорлар умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг санок комиссияси уч кишидан иборат куйидаги таркибда тасдиқлансин:
 - **Н.Абдуллаева;**
 - **Н.Холикулова;**

– С.Умаралиев.

Йиғилиш раёсати аъзоси Х.Умаров сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибидаги ҳар бир масала маърузаси ва муҳокамаси учун 5-10 дақиқагача, овозларни санаб чиқиш ва санок комиссиясининг овоз бериш яқунлари бўйича ҳисоботи эшитиш учун 20 дақиқагача вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб ўтди.

Шунга асосан, Жамият акциядорларидан бугунги умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 46 620 275 та овоз (100 фоиз);

“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш масаласи бўйича акциядорлар умумий йиғилиши **қарор қилади:**

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича:

Жамият Бош директори в.в.б. Х. Умаров сўзга чиқиб Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ жамиятнинг қуйидаги ички низомлари ишлаб чиқилганлигини айтиб ўтди:

- акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида;
- кузатув кенгаши тўғрисида;
- тафтиш комиссияси тўғрисида;
- ижроия орган тўғрисида;
- манфаатлар тўқнашувида ҳаракатлар тартиби тўғрисида;
- ички назорати тўғрисида;
- ахборот сиёсати тўғрисида;
- дивиденд сиёсати тўғрисида;
- бошқарув ва назорат органлари ҳисоботларига талаблар тўғрисида;
- йирик битимларни тузиш тўғрисида;
- аффилиланган шахсларнинг ҳисобини юритиш ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида;
- кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари, шунингдек ижроия органлари вазифасини бажарувчи шахсларга мукофот пули тўлаш тартиби тўғрисида.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига асосан ушбу масала юзасидан овоз бериш сўралди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – йўқ;

“Қаршилар” – 46 620 275 та овоз (100 фоиз); “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорлар умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамият ички низоми “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида” биринчи иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Жамият ички низоми “Кузатув кенгаши тўғрисида” иккинчи иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Жамият ички низоми “Тафтиш комиссияси тўғрисида” учинчи иловага мувофиқ тасдиқлансин.
4. Жамият ички низоми “Ижроия орган тўғрисида” тўртинчи иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Жамият ички низоми “Манфаатлар тўқнашувида ҳаракатлартартиби тўғрисида” бешинчи иловага мувофиқ тасдиқлансин.
6. Жамият ички низоми “Ички назорати тўғрисида” олтинчи иловага мувофиқ тасдиқлансин.
7. Жамият ички низоми “Ахборот сиёсати тўғрисида” еттинчи иловага мувофиқ тасдиқлансин.
8. Жамият ички низоми “Дивиденд сиёсати тўғрисида” саккизинчи иловага мувофиқ тасдиқлансин.
9. Жамият ички низоми “Бошқарув ва назорат органлари ҳисоботларига талаблар тўғрисида” тўққизинчи иловага мувофиқ тасдиқлансин.
10. Жамият ички низоми “Йирик битимларни тузиш тўғрисида” ўнинчи иловага мувофиқ тасдиқлансин.
11. Жамият ички низоми “Аффилланган шахсларнинг ҳисобини юритиш ва аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида” ўн биринчи иловага мувофиқ тасдиқлансин.
12. Жамият ички низоми “Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари, шунингдек ижроия органлари вазифасини бажарувчи шахсларга мукофот пули тўлаш тартиби тўғрисида” ўн иккинчи иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича:

Йиғилиш раиси Б.Шадиёв сўзга чиқди ва жамият фаолиятидан ва бугунги кундаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмаси ишлаб чиқилганлигини маълум қилди ҳамда иловага мувофиқ таништириб ўтди.

Шу моносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни 59-моддасига асосан жамият ташкилий тузилмасини тасдиқлаш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига киришини инобатга олган ҳолда ушбу масала бўйича акциядорлардан овоз беришлари сўралди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 46 620 275 та овоз (100 фоиз);

“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорлар умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини ўн учинчи иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича:

Йиғилиш раиси Б.Шадиёв келгусида домимий равишда инвестицияларни жалб қилиш мақсадида компания устав фондиди ошириш эҳтиёжи вужудга келган тақдирда компаниянинг устави ва қонун ҳужжатларига мувофиқ акциялар эълон қилинган акциялар миқдорида қўшимча акциялар чиқариш тўғрисида қарор қилишга ҳақли. Шу моносабат билан компаниянинг қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларни энг кўп миқдори номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 50 000 000 (эллик миллиард) дона умумий қиймати 50 000 000 000 (эллик миллиард) сўм эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги оддий акцияга етказишни таклиф қилди.

Шу моносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни 18 ҳамда 25 моддаларига асосан эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига киришини инобатга олган ҳолда ушбу масала бўйича акциядорлардан овоз беришлари сўралди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 46 620 275 та овоз (100 фоиз);

“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорлар умумий йиғилиши **қарор қилади:**

Компанинг кўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларни энг кўп миқдори номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган умумий қиймати 50 000 000 000 (эллиқ миллиард) сўм 50 000 000 (эллиқ миллиард) дона эгасининг номи ёзилган хужжатсиз шаклдаги оддий акция миқдорида белгилансин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича:

Йиғилиш раиси Б.Шадиев сўзга чиқди ва жамият фаолиятдан ва бугунги кундаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб жамиятнинг янги тахрирдаги ташкилий тузилмаси ишлаб чиқилганлигини маълум қилди ҳамда иловага мувофиқ таништириб ўтди.

Шу моносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни 59-моддасига асосан жамият ташкилий тузилмасини тасдиқлаш акциядорларининг умумий йиғилиши ваколат доирасига киришини инobatта олган ҳолда ушбу масала бўйича акциядорлардан овоз беришлари сўралди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 46 620 275 та овоз (100 фоиз);

“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорлар умумий йиғилиши **қарор қилади:**

Жамиятнинг янги тахрирдаги ташкилий тузилмасини кузатув кенгаши томонидан қайта кўриб чиқилиб умумий йиғилиш ўн тўртинчи иловага мувофиқ киритилсин.

Йиғилиш раиси

Б. Шадиев

Йиғилиш котиби

У. Маматкулов

